

Бир аёлнинг фиғони

21:14 / 24.04.2016 4299

Яқинда эрининг бевафолигидан куйган, икки фарзанди билан оғир ҳолатда қолган ёш аёлдан мактуб олдим. Мактуб эгаси бахтли яшаб тургани, ҳамма нарса гўзал бўлгани ҳақида батафсил ёзган. Аммо эри бир сафарга бориб келганидан кейин кўнгли хира бўлгани, унинг телефонида бегона қиз билан ёзишмаларни кўриб қолгани, ўша қиз уни йўлдан ургани, шундан кейин ҳамма нарса тескари кетгани, кўзига дунё қоронғу кўринаётгани, нима қилишини билмай менга мактуб ёзганини айтган.

Ўша келинга ва у кишига ўхшаганларга ҳамдард бўлиш билан бирга ҳаммага ибрат бўлиши учун у кишининг рухсати ила аёл – қизларга мурожаатини эълон қилишни лозим топдим.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Жавоб - Сизнинг ҳолингиз тушунарли. Эрининг ҳолига қаранг. Тузалган бўлса, кечирсангиз яхши бўлади. Астаффируллоҳни кўп айтинг. Агар рухсат берсангиз, қизларга ёзган гапларингизни, сизни очиқ айтмай, бир аёлдан дея сайтга чиқарар эдик.

- Ассалом алайкум шайх ҳазратлари. Жавобингиз учун раҳмат. Қизларга ёзган гапларимни чоп этсангиз, бундан факат хурсанд булардим. Агар менинг шу ёзганларим кимнидир инсофга чакирса, кимнидир тўғри йулга бошласа, ўзимни озгина бўлсада эзгуликка ҳисса қушган деб билардим. Ёзганларимни чоп этишга лойик деб билганиз учун катта раҳмат.

Мана ўша ғам-андух тўла мурожаат:

"...Iltimos Shayx hazratlari javob yozing kutaman! Shu urinda qizlaga etadiganim bor edi. Iltimos qizla shaningizga dog tushurmang, kimnidir oilasini, muqaddas dargoxini buzhang, sizlar uchun 2 kunlik ermak kimnidir hayotini ostin ustin kiladi, kimlarnidir etim, kimlar`nadir baxtiqaro, yana kimnidirhor kiladi.Oxiratdan kurkib, pok imon bn yashanglar,guldek kizla guldek oilaning bekasi bulinglar, zino, hiyonat, buzuqlik shu paytgacha hech kimga baxt keltirganamas. Uzingizni Xudoning gazabidan asrang. Hammaga Ollox uzi insof bersin".

Ушбу масала бўйича фикр билдиришга барчани чорлаймиз. Оилаларимиздаги бу каби нохушликларни бартараф қилиш барчамизнинг бурчимиз. Марҳамат фикр билдиринг. Бу каби нохушликларни оилаларимиздан четда бўлишига ҳисса қўшинг.